КЕКСАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ш.Содиқова

Мақолада кексаларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари миллий қадриятлар нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Кексаларнинг ижтимоий ҳаётда иштирокига хос жиҳатлар таҳлил қилиниб, уларнинг ёш авлодни тарбиялаш жараёнидаги роли кўрсатилган.

Калит сўзлар: *кексалик, геронтология, ижтимоий геронтология, миллий қадриятлар, ижтимоий ҳимоя.*

В статье рассматриваются вопросы социальной защиты пожилых людей в контексте национальных ценностей. Также анализируются особенности их участия в социальной жизни общества и показывается роль в воспитании подрастающего поколения.

Ключевые слова: *старость, геронтология, социальная геронтология, национальные ценности, социальная защита*

The article studies the problem of elders from the point of national valuables as an object of a scientific investigation in Uzbekistan. The author tries to point out the some peculiarities of elderly people and their influence on the process of formation of spiritual education of the youth.

Key words*: old age, heronthology, elderly, social heronthology, national valuables, social security.*

Ижтимоий тараққиёт асосини унинг субъекти – инсон ва унинг фаолияти ташкил этади. Бу жараёнда ёшлар ва ўрта ёшлилар билан бир қаторда қарияларнинг ҳам фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Жамият ҳаётида қарияларнинг роли, уларнинг ижтимоий муассасалар, оила ва бошқа гуруҳлар билан ўзаро муносабатлари, мавқелари ва бу ҳодисаларнинг доимий ўзгариб бориши каби кексалар ҳаёти билан боғлиқ масалалар ижтимоий фанлар соҳасида кам ўрганилган. Кексаларнинг ижтимоий муносабатлардаги роли ва мавқеи, уларни фаоллаштириш, ҳимоя қилиш масалаларини тўғри ҳал қилиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳимдир. Бундан ташқари, юқорида қайд этилган масалалар миллий қадриятлар контекстида қаралганда, қарияларни ижтимоий ҳимоялаш умуминсоний ва миллий қадриятларнинг омили эканлигини англаш мумкин.

Маълумки, кексалар алоҳида ижтимоий гуруҳ ҳисобланиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбекистонда эркакларни 60 ёшдан ва аёлларни 55 ёшдан қариялар сафига киритилади. Албатта, бу ёшдан бошлаб жамият билан улар ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзгариб боради. Демак, кексалик (қарилик) фақат биологик эмас, ижтимоий муаммо ҳамдир. Чунки бу ижтимоий гуруҳда кўпроқ учраб турадиган меҳнатга лаёқатсизлик, ёрдамга муҳтожлик, ижтимоий фаолликнинг камайиши ва бошқалар, умуман олганда, жамият ҳаётига таъсир кўрсатади. Кексаларнинг ҳаётий тажрибасидан, ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбия қилишда уларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир миллатга хос бўлган маданият, турмуш тарзи, урф-одатлар, қадриятлар, диний эътиқод ва бошқалар қарияларга муносабатни белгилаб беради. Ўзбекистонда бу масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, жамиятимиз олдида турган вазифалардан бири «Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини оширишдан иборат» [1.1].

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда бу ижтимоий гуруҳга авлодлар ўртасидаги ворисликни сақлаб қолувчи ва миллий қадриятларимизни ёш авлодга етказиб берувчи, демак, уларнинг тарбиясида муҳим роль ўйновчи субъектлар сифатида қаралади. Уларнинг соғлом умр кўриши ва кексалик даврини муносиб кечириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга тўлиқ бўлмаган иш кунлари жорий этиш, кексайганда барқарор даромад ва тиббий хизматни кафолатлайдиган шартномалар тузиш ва бошқа имкониятларни яратиб беришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

БМТ маълумотига кўра, дунёда 65 ёшдан ошган аҳоли йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Ҳозир улар Европа мамлакатларида 11,4 фоизни, жаҳонда 6,8 фоизни ташкил этади. Айни пайтда 35 мамлакатда аҳолининг 20-26 фоизи 60 ёшдан ошганлар бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 4,5 фоиздир [2.30].

Ш.Содиқова *- Ўзбекистон Республикаси ВМ ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштирувчи қўмита бўлим мудири, социология фанлари номзоди.*

Тахминларга кўра, 2015 йилда Россиянинг 1 та меҳнатга яроқли фуқаросига 1 та меҳнатга яроқсиз фуқаро тўғри келади, уларнинг ярмини қариялар ташкил этади [3.23].

БМТ қариялар соғлиғини сақлаш, уларни истеъмолчилар сифатида ҳимоялаш, рисоладагидек яшашлари учун уй-жой ва турмуш тарзини яхшилаш, ижтимоий таъминотига оид кўрсатмалар моҳиятини таҳлил этиш ва миллий менталитетга мослаб амалга ошириш лозимлигини эътироф этади. Улар қуйидагиларни назарда тутади.

Аниқ миллий эҳтиёж ва мақсад асосида қарилик муаммоларига оид сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар бир давлатнинг мустақил ҳуқуқи ҳамда мажбуриятидир. Кексалар фаоллигини ошириш, ҳимоялаш ҳамда яшаш фаровонлигини таъминлаш тадбирларида ҳамкорлик янги халқаро иқтисодий тартиб доирасида ривожланиши ва келишилган дастурнинг ажралмас қисми бўлиши керак. Бу омил дунёнинг ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган минтақаларига тегишли [4.214-215].

Қарилик муаммолари бўйича халқаро фаолият режаси қабул қилинган бўлиб, у, жумладан, қуйидаги қоидаларга асосланган:

- барча инсонлар ёши, жинси ва эътиқодидан қатъи назар, ўз имкониятига мос равишда жамият бойликларидан фойдаланиши керак;

- ривожланиш ҳамда кексаяётган аҳолининг ижтимоий муаммолари ирқий, жинсий ёки диний белгиларга асосланган зулм ва хўрлаш, мустамлакачилик, ирқчилик, ирқий айирмачилик, тажовузкорлик ва босқинчилик каби шакллари инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинган ҳолда энг мақбул ечимини топиши мумкин;

- кексаларнинг маънавий, маданий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларга ҳиссаси жамият учун қимматли ҳисобланиб, уларнинг улуши тан олиниши ҳамда рағбатлантирилиши керак;

- ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсади, турли ёшдаги гуруҳларнинг нуқтаи назарига кўра, ёш жиҳатдан камситиш ва кўзда тутилмаган ҳақ-ҳуқуқни чеклаб қўйиш бартараф этиладиган, бирдамлик ҳамда кекса авлодларни ўзаро қўллаб-қувватлаш рағбатлантириладиган мустаҳкам жамият ташкил этиш ҳисобланади;

- вужуднинг аста-секин қариб бориши инсоннинг бутун ҳаёти давомида рўй берадиган жараён. Ҳар бир инсонни умрнинг энг сўнгги босқичига тайёрлаш ҳаётнинг таркибий қисми бўлиб, жисмоний, руҳий, диний, маънавий, тиббий каби омилларни қамраб олиши шарт;

- кексалик фақат тажриба ҳамда донишмандлик омили бўлмай, инсонни унинг ишонч ва интилишларига мос равишда шахс сифатида шаклланишига таъсир кўрсатиши мумкин;

- ҳукумат, жамоат ташкилотлари, шунингдек, тегишли муассаса ва шахслар қарияларнинг аҳволи учун жавобгар эканликларини ҳис қилмоқлари керак;

- фаолият режаси аҳолининг аста-секин кексайиши ва қарияларнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ муаммоларни халқаро ҳамжамият, ҳукуматлар, шунингдек, умумжамият томонидан ечишга оид таклифларни ўзига киритиши мумкин. Бу режа ўз характер кучига кўра ҳар бир алоҳида халқ ёки гуруҳнинг анъаналари, маданий бойликлари ва қадриятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши лозим;

- кексаларга ҳурмат ва уларга ғамхўрлик ҳар доим инсоният тараққиётининг ўзгармас омилларидан бири бўлиб келган. У инсониятнинг яшаши ва тараққиёти учун шарт-шароит яратган, ўзи ва жамиятни сақлаш орасидаги асосий ўзаро боғлиқликни акс эттирган ва бошқалар.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, жамиятнинг аста-секин «кексайиши» ва кекса аҳоли сонининг ўсиб бориш жараёни доимий давом этади. Демак, келажакда жамият «кексайиши» тезлигини пасайтириш мақсадида ёш гуруҳлари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш муаммолари юзага келиши аниқ. Кексайиш ҳақидаги муаммони кўриб чиқаётганда, уларнинг аҳволини ижтимоий-иқтисодий шароитдан ажратмаслик, уларга аҳолининг ажралмас қисми сифатида қараш муҳимдир.

Қариялар аҳволини яхшилашга йўналтирилган сиёсат уларга ўзларини шахс сифатида кўрсатиш эҳтиёжини қондириш имкониятини таъминлаш, қобилиятларини намоён этишларига имконият туғдириш, оила ҳамда жамиятга фойда келтирадиган иштирокини таъминлайдиган шароит яратиш кабиларни ўз ичига олиши лозим.

Ҳозирги кунда кексайиш муаммоси қарияларни ҳимоялаш ва уларни парвариш қилишдангина иборат эмас, балки жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари, оила ва жамиятда ворислик вазифасини амалга оширишлари учун шароит яратиб бериш билан ҳам боғлиқ. Қариялар ҳаётини яхшилаш ва уларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган сиёсат уларнинг жамият билан ўзаро ҳамкорлигини давом эттиришига имкон яратади.

Жамият ривожланиб боргани сари инсон умрининг узайиши учун моддий ва бошқа шарт шароитлар яхшиланади. Демак, қарияларнинг сони ҳам ортиб боради. Улар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг кўлами янада кенгаяди. Албатта, бу ҳодисалар жамиятдан қарияларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига эътибор қаратишни талаб қилади.

Ҳозирги кунда қарияларнинг жамиятдаги аҳволи ва роли масалаларини назарий ва амалий ўрганадиган ижтимоий геронтология фани юзага келди.

Унинг йирик илмий мактаблари ташкил топди. Бу мактаблар қарияларга тиббий ижтимоий ёрдам ташкил қилиш йўлларини ишлаб чиқдилар ва унинг дастурларини яратдилар. Ижтимоий геронтология инсонни биологик ва ижтимоий мавжудот сифатида ўргана бошлади ҳамда қарияларнинг ижтимоий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратди. Бу фан доирасида тиббий-биологик ва ижтимоий йўналишлар бирлашиб, унда «соғлом кексалик», «саодатли узоқ умр кўриш» масалаларини ўрганиш асосий бўлиб қолди. Бугунги кунда бу илмий йўналишни ривожлантириш жараёнида қариликнинг социологик, социал-психологик, иқтисодий, маданий-ахлоқий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ижтимоий геронтология ҳозирда мустақил фан бўлиб, кўплаб ўқув муассасаларида ўқитилади.

Бой маънавий меросимиз негизида қарияларга яхши муносабат муҳим ўрин эгаллайди. Кексаларнинг ҳаётий тажрибаларидан оила ва жамиятда соғлом муҳит яратишда, ёшларда ота-онага, қарияларга ҳурмат, меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантиришда, бир сўз билан айтганда, ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш борасида фойдаланиш бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. Бир қарашда оддий бўлиб кўринган, лекин маънавий тарбия соҳасида муҳим бўлган қуйидаги жиҳатлар: ёшларнинг ахлоқий, ҳуқуқий тарбияси, масъулият ва бурчларини англаб етишлари, дунёвий билимларни эгаллаб, маърифатли ва маънавиятли бўлишлари; фарзандларнинг жисмонан соғлом, маънан бой, ахлоқан пок бўлиб камол топишларида миллий тарбия тизимининг сақланиб қолиши, замон талаблари асосида хориж тиллари ва янги технологияларни ўрганишга шарт-шароит яратиш, оила ор-номуси, шаънини ҳимоя қилиш, маҳалла ва жамият олдидаги бурчларини тўла англаб етиш руҳида тарбиялаш, миллий оилавий муносабатлар қоидаларига риоя этиш ва бошқалар борасида ҳам кексаларнинг роли улканлигини эътироф этиш лозим [5.18].

Бу вазифаларни бажаришда кексалар билан ёшлар, ота-оналар билан фарзандлар ўртасида ўзаро муносабатлар маданиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Буларни амалга ошириш учун миллий оила, оилавий муносабат маданияти, оилавий тарбия тизими, ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш, миллий, диний, ҳуқуқий, ахлоқий жиҳатларни акс эттирган монография, китоб, рисола, мақолаларни кенг тарғиб этиш зарур. Шу билан бирга, давлатимизнинг қариялар, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеига оид сиёсатининг туб моҳияти, бу ҳақдаги фармон ва қонунларни кенг тарғиб-ташвиқ этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласини шартли равишда иккига ажратиш мумкин: ғарбона ва шарқона. Ғарб мамлакатларида қарияларнинг ёлғизлиги масалани чигаллаштирадиган ҳолатдир. Уларнинг фарзандлари, асосан, алоҳида яшайди, натижада уларда ота-она кексайганда парвариш қилиш, моддий таъминотни зиммага олиш каби фазилатлар шаклланмайди. Устига-устак, қариндош-уруғлари, дўстлари билан ҳам узоқлашиш, ёлғизликка тушиб қолиш уларнинг саломатлигига салбий таъсир қилади. Бундай шароитга мослаша олмаслик, уларнинг ҳаётини мураккаблаштиради, натижада жамият ва ҳаётдан норозилик ҳисси пайдо бўлади.

Ўзбекона миллий қадриятлар кексаларнинг ўз оиласи, фарзандлари ва яқинлари билан яшаб, ўзларининг жамиятга кераклигини ҳис этиши учун имкон яратиш, ёшларнинг кекса авлод қаршисида ўз масъулиятини англашини, уларнинг ҳаётий режаларига камарбаста бўлишини тақозо этади. Демак, кексаларга катта ҳурмат кўрсатиш одатга айланган. Уларнинг оилага бошчилик қилишлари, нафақат оилада, маҳалла ва жамоада ҳам уларни қадрлаш, фикрини эшитиш, маслаҳатига риоя қилиш азалий қадриятлардан, анъаналардан ҳисобланади. Ўзбекистонда қарияларнинг 90 фоиздан кўпроғи фарзандлари билан биргаликда ҳаёт кечиради. Уларнинг оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаб, ўз имконияти, бой тажрибаси, ақл-заковатини намоён қилиши учун ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий замин яратилган бўлиб, бу ҳолат жамиятнинг маданий-маънавий тараққиёти, келажаги учун ҳам улкан аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон халқига Янги йил табриги. // Халқ сўзи.- 2006.- 1 январь.
2. Ўзбекистон. Мамлакатнинг умумий тавсифи.- БМТ, 2003.
3. Альперович В. Социальная геронтология. - М., 1997.
4. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: асосий омиллар.- Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2001.
5. Ҳидоятхўжаев Т. Фарзандлар жаннат райхонларидир.- Т.:Янги аср авлоди, 2002.

2014 йил 18 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ф.Юлдашева)